# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 1 август, № 149 (5823) Пайшанба


# «ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК» РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

*Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиши, Ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши — айни мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.*

Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. **Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамасдан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис,** деб баҳоламоқда.

Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг ҳудудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Бу можаронинг ечимини топиш, жафокаш афғон заминида тинч ва осуда ҳаётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар, қолаверса, дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортиқ тарих давомида бу минтақада қанча-қанча қон тўкилгани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкаларда қочоқ бўлиб кун кечираётгани, минглаб кишилар бедарак йўқолгани, қанча маблағ ва саъй-ҳаракатлар сарфлангани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Афғонистон заминидаги уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдиргани ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ "Қўшнинг тинч — сен тинч", деган азалий халқ ҳикматига амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди;

1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди;

1997 йили мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун "6+2" мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ва 1999 йили мазкур гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтганидан барчамиз хабардормиз.

2001 йилда Президентимиз БМТ Бош котибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш таклифини илгари сурди;

2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида "6+3" мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ана шундай муҳим ҳужжатлар қаторида, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеликка қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечими бўйича қандай амалий ҳаракат ва чора-тадбирлар зарурлиги хусусида сўз юритди.

Юртбошимизнинг ана шу интервьюсини ўз ичига олган, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" рисоласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, **Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларининг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол-яроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низоларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиш хавфи ортади.**

Президент Ислом Каримов **афғон можаросини бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қанчалар қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдиғини топаётганлигини алоҳида таъкидлади. Айни шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони пайдо бўлишини бугунги кунда кўпчилик эътироф этмоқда.**

Юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепциясида мамлакатимиз **"тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди"**, деб аниқ-равшан баён қилинган. **"Ўзбекистон қўшни давлатлардаги куролли можароларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди"**, дея таъкидланади.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг мазкур концепцияга асосланган ҳолда билдирган қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: **"Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади"**.

Бундай қатъий, шу билан бирга, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган сиёсатни олдинга суриш учун Афғонистоннинг яқин қўшниси бўлмиш Ўзбекистонда барча асослар бор. Аввалambор, бу **Афғонистон билан узоқ тарихий ўтмишга бориб тақаладиган яхши қўшничилик, ўзаро ҳурматга асосланган алоқаларимиз**, **мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган алоҳида ўрни ва минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган мустаҳкам ва собитқадам ташқи сиёсатидир.**

Айнан мана шу омиллар сабаб, "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" рисоласида минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий хулоса ва таклифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки **халқаро майдонда ҳам кенг акс садо бермоқда.** Чет давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Энг аввало, давлатимиз раҳбарининг фикрларига бевосита Афғонистоннинг ўзида катта қизиқиш кузатилмоқда. Президентимизнинг интервьюси ушбу давлатнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида **инглиз, дари ва ўзбек тилларида нашр этилди**. Жумладан, Афғонистоннинг етакчи **"Daily Outlook Afghanistan"** газетаси, **"Саҳро"** ижтимоий-сиёсий журнали интервьюнинг тўла матнини "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" сарлавҳаси остида чоп этди.

Ислом Каримов интервьюси Афғонистон билан қўшни бўлган Покистоннинг **"Balochistan today"** ва **"Ittihad"** газеталарида, Эроннинг **"Iran News"** газетасида ва Хитойнинг **"Lookwe"** журналида, АЙСЕФ иштирокчилари бўлмиш АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Латвия, Туркия ҳамда мусулмон дунёсида ўз мавқеига эга бўлган Саудия Арабистони, Кувайт, Малайзия ва бошқа давлатларнинг босма ва электрон нашрларида кенг ёритилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларда **Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ишончли тарафдори экани ва ушбу мақсадлар учун фаол сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракат кўрсатаётганлиги алоҳида урғуланмоқда.** Энг муҳими, **барча нашрлар Ўзбекистоннинг принципиал позицияси — Афғонистондаги низони бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл эканлигини тўлалигича қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур муаммонинг ечимига ўзаро курашаётган қарама-қарши томонларни музокаралар столи атрофига тўплаш ва уларни муросага олиб келиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишмоқда**.

Интервьюда Президент Ислом Каримов томонидан Афғонистон борасида билдирилган фикр ва таклифлар жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари, эксперт ва олимлари томонидан ҳам қизғин муҳокама этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, **АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старрнинг** таъкидлашича, Президент Ислом Каримов Афғонистондаги вазиятни "ўта оғир ва нозик" дея аниқ ва равшан таҳлил этди. **Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини реал фикрлай оладиган ҳар бир инсон тушуниб етмаслиги мумкин эмас.**

**Нью-Йорк давлат университети профессори П. Морвиж** Афғонистондан чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилиши бу мамлакатдаги вазиятни таңгликка олиб келиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги сўзларини **ўз халқининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳақида қайғурадиган чинакам давлат раҳбарининг ҳаракатидир**, деб изоҳлайди. Мана шу сабаб, Ислом Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзаро қарама-қаршиликларни музокаралар столи атрофида ечишга, ҳарбий тўқнашувларнинг янгитдан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги беқарорликнинг қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга чақирмоқда, дейди П. Морвиж.

**АҚШнинг Карнеги фонди эксперти М. Олкотт** Ўзбекистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаларнинг ўйинларига қўшилмаслигини ва жанубдаги қўшниси билан муносабатларини фақатгина икки томонлама асосда, ички ишларга аралашмаслик, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик принциплари асосида қуришини ижобий баҳолайди.

Америкалик мутахассис Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг Афғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Икки давлатни боғлаб турувчи темир йўл ҳамда тезюрар автомобиль йўлларининг барпо этилиши Афғонистон иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборини қаратади.

М. Олкотт, **"Ўзбекистон, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг икки томонлама муносабатлари доирасида Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш жараёнида муҳим роль ўйнайди"**, дея ишонч билдиради.

**Британия — Ўзбекистон жамияти раиси лорд Ф. Понсонби** Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистондаги ҳозирги вазиятни чуқур англаши ва уни келажакдаги ривожи борасида қайғураётганини таъкидлаган ҳолда, Ислом Каримов томонидан илгари сурилган БМТ шафелиги остида "6+3" мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилинишида муҳим роль ўйнаган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Британиялик сиёсатчининг фикрича, Афғонистондаги ўтиш жараёнида ва бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча қўшни давлатларнинг иштироки катта аҳамият касб этади.

**Буюк Британиянинг Кембриж университети профессори С. Саксенанинг** қайд этишича, Президент Ислом Каримов ўта чигал ва мураккаб ҳисобланмиш афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун батамом янгича концептуал ёндашувни таклиф этиб, уни содда, лўнда ва кучли мантиққа таянган ҳолда баён этди. Хусусан, **Ўзбекистон раҳбари асосий эътиборни афғон халқи ва жамиятини жипслаштиришга қаратиш, ҳар қандай шароитда ҳам, аввалambор, афғон халқининг иродасига таяниш лозимлигини таъкидлади.** Айнан мана шундай ижобий ёндашувгина Афғонистонда неча ўн йиллардан буён давом этаётган зўравонлик ва қон тўкилишини тўхтатиши мумкин, деб ҳисоблайди олим.

С. Саксенанинг сўзларига кўра, "Афғонистон, ўз назорати ва гегемониясини ўтказишга ҳаракат қилаётган бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, **Ўзбекистондек тинчлик ва ҳамкорликка чорлаётган ишончли қўшниси борлигидан фахрланса арзийди"**.

"Менга Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида билдирган фикрлари, айниқса, уруш инсоният учун нақадар даҳшатли қирғин экани, бу офатнинг олдини олиш ва тинчлик-осойишталикни асраш дунёдаги ҳар бир инсоннинг бурчи эканини куюниб айтган сўзлари ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди, — дейди **германиялик эксперт Ф. Лемке**. — Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсат юритиши, дунёни қайтадан бўлиб олишга интилаётган давлатларнинг турли хил геосиёсий ўйинларида иштирок этмаслиги ҳам менда катта таассурот қолдирди".

Ф. Лемкенинг фикрича, Ўзбекистон **Президентининг "тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди" деган сўзларини ҳеч ким инкор эта олмайди.** Шундай экан, Ислом Каримовнинг ўз халқига, қўшни халқлар ва жаҳондаги барча давлатларга Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги чақириғи эзгулик ва ривожланишга қаратилган таклифларни қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим эканлигини, ҳарбий йўл билан ҳеч қандай муаммони ечиб бўлмаслигини англатади.

"Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принципларини мамлакат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини нишонлаш арафасида яна бир бор очиқ ва равшан баён этди", — дейди Францияда жойлашган **Европа келажаги ва хавфсизлигини тадқиқ қилиш институти раҳбари Э. Дюпюи**. Мутахассиснинг сўзларига кўра, **Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда ва ҳарбий интервенцияларда иштирок этмаслик принципи қонуний асосга эга.** Тошкентнинг бундай стратегияси Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ёрдам беради, дея ишонч билдиради Э. Дюпюи.

Францияда чиқадиган **"Les milieux des empires" таҳлилий журналининг бош муҳаррири С. д'Изарннинг** таъкидлашича, Ислом Каримов интервьюси Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазият борасида билдираётган асосли ташвишлари билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистоннинг ушбу давлат билан яхши қўшничилик алоқаларига таянадиган қатъиятли позициясини кўрсатади.

2014 йил охирида АЙСЕФ қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, С. д'Изарн ушбу муддатга қадар **Президент Ислом Каримовнинг умумафғон сиёсий музокараларини бошлаш ва зарурий келишувларга эришиш кераклиги ҳақидаги фикр ва таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан сўзсиз қўллаб-қувватланиши лозим,** деб ҳисоблайди.

**Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тильманс** "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида шундай деди: "Мен Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган интилишлари билан мутлақо ҳамфикрман. Албатта, минтақадаги вазият оддий эмас. Бу борада **Ўзбекистонинг турли ҳарбий блокларга кирмаслик ва уларда қатнашмаслик позицияси мутлақо тўғри ва долзарбдир**".

"Биз Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан икки халқнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб боради, деган сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз", дея таъкидлайди **Хитойнинг Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни тадқиқ этиш институти ходими Су Чан.**

Мутахассиснинг фикрига кўра, Хитой ва Ўзбекистон Афғонистоннинг қўшнилари сифатида ушбу мамлакатдан коалицион кучларнинг чиқиб кетишидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган салбий вазият борасида жиддий ташвишланмоқда. "Биз **Афғонистон муаммоси фақат афғон халқи томонидан ҳал этилиши,** ҳар қандай ташқи кучларнинг аралашуви эса бу мамлакатдаги аҳволни янада оғирлаштириши ва минтақавий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, Афғонистонга кўрсатилаётган иқтисодий ва гуманитар ёрдамни янада кучайтириш зарур", дейди Су Чан.

**Японияның Шарқий Осиё тадқиқотлари институти директори У. Магосакининг** фикрича, Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланувига қарши кураш сиёсати Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

"Ҳақиқатан ҳам, Афғонистондан халқаро кучларнинг олиб чиқиб кетилиши миллатлараро можароларнинг кучайишига ва чуқурлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, **Афғонистондаги мавжуд муаммоларни муваққат ҳукумат тузиш ва сайловлар ўтказиш йўли билан ҳал этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади.** Бу мураккаб жараёнда энг муҳим омил — янги сиёсий орган тузиш йўлида Афғонистоннинг турли сиёсий гуруҳлари орасида умумий келишувга эришишдир. Ушбу жараёнда ҳал этувчи бўғин сифатида БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, қўшни мамлакатлар иштирок этиши лозим. Муваққат ҳукуматнинг тузилиши Афғонистонда барқарор давлатчиликни шакллантириш ва кўп миллатли афғон халқининг тинч-тотув яшаши учун қулай шароитлар яратишга имконият туғдиради", деб ҳисоблайди У. Магосаки.

**Японияның Ниагата университети профессори Шигеки Хакамаданинг** таъкидлашича, **Афғонистон ҳудуди ташқи кучларнинг "катта геосиёсий ўйини" майдони бўлиб қолмоқда** — улар Афғонистондаги вазиятдан фойдаланиб ўз таъсир доираларини кенгайтириш ва мавқеларини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Эътиборлиси шундаки, Афғонистондаги вазиятнинг ўта нозиклиги ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига қарамасдан, **ҳанузгача жаҳон ҳамжамияти ва расмий Кобул афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ягона бир фикрга келмади,** дея фикр билдиради япониялик мутахассис.

**Малайзиянинг собиқ Ташқи ишлар вазири ўринбосари, "Геракан" партияси раисининг ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай** Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги олиб бораётган сиёсати ва афғон муаммосини ҳал этишдаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Афғонистоннинг қўшниси сифатида **Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан ушбу мамлакатда рўй бераётган мураккаб сиёсий жараёнларни аниқ ва чуқур ҳис эта олади**. Шунинг учун ҳам, Президент Ислом Каримов жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида келишувга эришиш зарурлигини ва унинг асносида барча этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этувчи коалицион ҳукумат тузишга жалб этмоқда. Фақат шу йўл билангина бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш мумкин, дея таъкидлайди К. Пилай.

Малайзиялик яна бир эксперт, **"Binary" университети профессори Зулфиқли Ҳожи Сентери:** "Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши **Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун улкан бозорга эга бўлган Осиё ва Тинч океани давлатларига энг яқин масофа билан чиқиш имкониятини яратади.** Бу эса ушбу минтақаларда жойлашган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларни янада ривожлантиришга катта туртки беради. Шуларни инобатга олган ҳолда, АСЕАН ташкилотига кирувчи давлатлар ҳам Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан ғоят манфаатдор", дея таъкидлайди.

Латвияда жойлашган **Болтиқ халқаро академияси профессори И. Стеценконинг** сўзларига кўра, Ислом Каримовнинг яхши қўшничилик, ўзбек халқининг осойишталиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсати нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг ҳам тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. "Ишончим комилки, **Ибн Сино, Улуғбек, Беруний ва Навоий каби буюк алломаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ўзида мужассам этган ўзбек халқи ўз аждодларининг меросини давом эттирган ҳолда, халқлар ва давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш, маданий ва маърифий ҳамкорликни кучайтириш, донишмандлик, одамийлик ва бағрикенгликни тарғиб этади**", дейди И. Стеценко.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 9 май куни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан берган интервьюсига хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича чуқур ўйланган позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг яққол далилидир.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*2013 йил 31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлди.*



Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисини шу йил 22-23 август кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Гаров реестри тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидан бўлиб, улар тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш ва ривожлантириш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни кучайтиришни назарда тутади.

Шу билан бир қаторда, навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни ва одамларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга доир масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн иккинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

---

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Бугунги кунда атроф муҳит муҳофазаси, табиат мусаффолиги ва неъматларини асраб-авайлаш тобора долзарб аҳамият касб этиб бораяпти. Маълумки, юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, у замон талаблари асосида изчил такомиллаштирилмоқда.*



# Экологик назорат институти такомиллаштирилмоқда

Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам мазкур йўналишга алоҳида тўхтаб ўтилган эди. Жумладан, унда "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш лозимлиги белгилаб берилган. Зеро, бу қонун фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимидаги роли ва ўрнини оширибгина қолмай, жамиятда соғлом турмуш тарзини янада чуқур қарор топтиришга хизмат қилади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат яқинда қуйи палатанинг навбатдаги мажлисига Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари томонидан киритилиб, биринчи ўқишда қабул қилинди. Шу кунларда уни янада маромига етказиш, иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун қуйи палата муҳокамасига киритиш устида қизғин иш олиб борилаяпти. Чунончи, қонун лойиҳасининг кенг муҳокамасини ўтказиш мақсадида у "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ҳамда www.eco.uz, www.xs.uz, www.narodnoe-slovo.uz сайтларида эълон қилинди. Айни пайтда парламент аъзолари, вазирликлар, идоралар ходимлари, мутахассислар, олим ва экспертлар иштирокида жойларда турли тадбирлар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилмоқда. Шуни айтиш керакки, қонун лойиҳаси бўйича кўплаб таклифлар, тавсиялар, фикр-мулоҳазалар келиб тушаётир.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамкорлигида "Экологик назоратнинг фуқаролик жамиятидаги ўрни ва роли" мавзуидаги давра суҳбати ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, экология ва тиббиёт йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотларидан вакиллар иштирок этди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Б. Алихонов ва бошқа сўз олганлар юртимизда атроф муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазасига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ана шу ислоҳотларни ҳар томонлама янги босқичга олиб чиқишда муҳим роль ўйнашини таъкидлашди.

Тадбирда ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида халқаро тажриба атрофлича ўрганилгани қайд этиб ўтилди. Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Польша, Венгрия, Словакия, Чехия, шунингдек, Марказий ва Шарқий Европадаги бошқа мамлакатлар, Осиёдаги бир қатор давлатларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, бу борада жамоатчилик иштирокини қонуний тартибга солиш тажрибаси ўрганилди.

Қонун лойиҳасида давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назорат тушунчалари, экологик назоратни амалга оширишнинг асосий принциплари, вазифа ва усулларини белгилаб қўйиш кўзда тутилаётир. Лойиҳада экологик назоратга олиниши лозим бўлган объектлар, экологик назоратни амалга оширувчи субъектлар кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролар йиғинлари ваколатларини аниқ белгилаган ҳолда экологик назорат соҳасини тартибга солиш ва бошқариш механизми батафсил ёритилаяпти. Шунингдек, унда экологик назоратнинг барча турларини амалга оширувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатиш ўз ифодасини топади.

Қолаверса, жамоатчилик экологик назорати соҳасида фуқаролик жамияти институти ва фуқароларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, жамоатчи инспекторлар институтини шакллантириш, экологик назорат жамоатчи инспекторининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш мазкур қонун лойиҳаси билан ўрнатилаётган асосий янгиликлар ҳисобланади. Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ҳуқуқи Ўзбекистон экологик ҳаракатининг услубий кўмаги билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилмоқда.

"Экологик назорат тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши натижасида экологик назоратни амалга ошириш тизими такомиллаштирилади. Шулар билан бир қаторда, экологик назоратни таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти органларининг барча бошқарув бўғинлари ҳамда махсус ҳуқуққа эга давлат ва жамоат бошқаруви органлари ваколатлари белгиланади. Бундан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқароларнинг экологик назорат бўйича ҳуқуқлари мустаҳкамланиб, бу борада қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик аниқ кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимига янада кенг жалб этиш имконияти яратилади.

Давра суҳбатида "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси экологик назоратни, атроф муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ҳолатнинг мониторингини амалга оширишда жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллигини янада кучайтириш муҳимлигига урғу берилди.

Зеро, экология соҳасидаги қонунчилик нормалари ва талабларини рўёбга чиқариш фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга, жамоат ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш тизимида ва экологик муаммоларни ҳал этиш жараёнидаги иштирокларига бевосита боғлиқдир.

Тадбирда "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ижросини янада самарали таъминлашга хизмат қилиши айтиб ўтилди. Бинобарин, унинг қабул қилиниши экологик масалаларни ҳал этишда "учинчи сектор" вакиллари, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳалла, фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашда айни муддаодир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва такрор кўпайтириш, фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш, атроф муҳитга ва инсон саломатлигига трансчегаравий салбий таъсирдан огоҳлантириш ва бартараф этиш орқали миллий манфаатларни ҳимоя қилишда ниҳоятда зарурдир. Бундан ташқари, у атроф муҳитга ва аҳоли саломатлигига зарар етказиш хавфини, юртимизнинг экологик қонунчилигини халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормаларига уйғунлаштиришга йўналтирилган экологик назорат соҳасидаги мамлакатимиз экологик сиёсатининг мазмуни ва асосий йўналишларини аниқлаб беради.

Мавзу юзасидан сўзга чиққан сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлик гуруҳи аъзолари ўз сайловолди дастур ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, ўз платформалари асосида фикрларини билдирдилар.

Давра суҳбатида ўртага ташланган таклиф-мулоҳазалар қонунни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ томонидан ўрганилиб, инобатга олиниши таъкидлаб ўтилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

---

# Идоралараро комиссия йиғилиши

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Унда одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ҳамда унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ходимлари, Бухоро ва Андижон вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, прокурорлари ва ички ишлар бошқармалари бошлиқлари қатнашди.

Йиғилишда ушбу вилоятларда одам савдосига қарши курашишга қаратилган қонунчилик ижросини таъминлаш борасидаги фаолият юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари муҳокама қилинди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Бухоро ва Андижон вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссиялари, мазкур ҳудудлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, давлат бошқаруви идоралари, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бу борадаги қонунчилик ижросини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Жумладан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, аҳолига унинг оғир оқибатлари ҳақида ахборот етказиш мақсадида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинган. Бу мақсадда чегара ҳудудларда ва жамоат жойларида одам савдоси жиноятларидан огоҳ этувчи кўргазмали тарғибот ва ташвиқот воситаларини ўрнатиш ҳамда тарқатишга алоҳида эътибор қаратилган. Амалга оширилган ишлар ўз самарасини бериб, сўнгги йилларда ушбу ҳудудларда одам савдоси жиноятларининг камайиши кузатилган.

Шу билан бирга, Бухоро ва Андижон вилоятларидаги айрим туман ва шаҳар комиссиялари фаолияти етарли самара бермаганлиги, одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид остига олинди.

Жойларда ҳудудий идоралараро комиссиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари, жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари бу борадаги фаолиятини янада жадаллаштиришлари, ўзаро ҳамкорликни кучайтиришлари лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Камчиликларни бартараф этиш ва ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилиниб, ижро учун тегишли идораларга юборилди.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси.**

---

ЖАРАЁН

*Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалашга юксак эътибор қаратилиб, бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани, албатта, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Президентимиз томонидан бундан саккиз йил олдин қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони ушбу соҳада эришган ютуқларимизда, шунингдек, юртимизда, ҳақиқатан ҳам, адолат ўрнатишда жиноят йўлига кирганларга энг одил ҳукм чиқаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.*

# Инсон манфаатлари — энг олий қадрият

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад, бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини янада камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозимлиги таъкидланган эди.

Шу нуқтаи назардан, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида жиноий жазо сифатида ўлим жазосини қўллаш соҳасини босқичма-босқич қисқартириш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Чунончи, 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилинишида мамлакатдаги криминоген вазият инобатга олиниб, кодекснинг 13 та моддасида мазкур турдаги жазо чораси сақлаб қолинган бўлса, 1998 йилда 8 тага, 2001 йилда 4 тага, 2003 йилда 2 тага қисқартирилди ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учунгина қўлланилиши назарда тутилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида яна бир муҳим масала, бу — жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш таклифини илгари сурди ва 2005 йил 1 август куни "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.

Албатта, ушбу Фармон қабул қилингунига қадар ўлим жазоси тайинланиши назарда тутилган жиноят таркиблари қисқартирилиб борилиши билан бир қаторда, миллий қонунчилигимизда жуда катта ўзгартишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланиши қатъий белгилаб қўйилди. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури қабул қилинди.

Асосий Қонунимизга мос равишда либераллаштириб борилган Жиноят кодексидан дастлаб инсоний фазилатларга хос бўлмаган сургун, бадарға каби жазо чоралари чиқариб ташланган бўлса, ислоҳотларнинг кейинги босқичида жиноятлар таснифига ўзгартиришлар киритилиб, 87 та жиноят таркиби бўйича санкциялар енгиллаштирилди, уларнинг 26 тасидан қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чоралари чиқариб ташланди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифаси 86 тадан 196 тага кўпайди. Шунга мутаносиб равишда оғир ва ўта оғир жиноятлар туркуми камайди. Аёлларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турининг энг кўп муддати муайян энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлмаслиги қайд этилди. Мол-мулкни мусодара қилиш жазо тизимидан чиқариб ташланди.

Шунингдек, жиноят қонунчилигида ярашув институтининг жорий қилинганлиги қадриятларимизга мос, менталитетимизга хос бўлган оламшумул янгилик бўлди. 2001 йилдан бошлаб нафақат давлатнинг, балки ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилган шахс ёки унинг қариндошлари томонидан етказилган зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги қонунда қатъий белгилаб қўйилганлиги диққатга сазовор.

Юқорида қайд этилган Фармонда ўлим жазосини умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш зарурлигини тақозо этувчи омиллар кўрсатиб ўтилганини таъкидлаш жоиз. Қонунчиликка киритилаётган ушбу ўзгартиш юзасидан аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши, ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, зарур шарт-шароитларни яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий тайёргарлик тадбирлари белгилаб берилди.

Шу муносабат билан 2005 йилнинг август ойидан 2007 йилнинг июнь ойига қадар жамоатчилик ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилди, ўлим жазоси бекор қилинган хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилди. Қисқача айтганда, Фармоннинг ижроси юзасидан ташкилий ишлар амалга оширилди.

Ва ниҳоят "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, 2008 йил 1 январдан амалга киритилди. Жиноят қонунчилигида умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари тушунчаси берилди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши йирик халқаро ташкилотлар томонидан қизғин маъқулланиб, бу шафқатсиз ва ғайриинсоний жазони қўллашни бутун дунёда тақиқлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлганлиги, умуман олганда, Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларининг замонавий стандарт ва талабларига жавоб берадиган жиноий жазоларнинг энг инсонпарвар ва либерал тизими яратилганлиги эътироф этилди.

Хулоса ўрнида айтганда, мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган қисқа давр ичида мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилинганлиги, шубҳасиз, Ўзбекистон ўз зиммасига олган масъулияти ва мажбуриятини халқимизнинг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналарига таянган, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини устувор қадрият сифатида эъзозлаган ҳолда, сидқидилдан адо этаётганлигини намоён қилади.

**Давлатмирза КАМИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси.**

---

ЯХШИ ХАБАРЛАР

*"Ховос дон маҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти томонидан Ховос туманидаги Чаманзор мавзесида нон ва макарон маҳсулотлари тайёрлаш цехи фаолияти йўлга қўйилди.*

## Аҳоли учун қулайлик

Бу орқали намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйларга кўчиб ўтган аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Лойиҳа қиймати 312 миллион сўмлик мазкур корхона Германиядан келтирилган илғор технологиялар билан жиҳозланган. Цех фаолияти йўлга қўйилиши билан маҳаллий ёшлардан 24 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хайрли ташаббус

*"Ҳунарманд" уюшмаси Андижон вилояти бўлими ташаббуси билан қишлоқ жойларда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун касбга ўргатиш бўйича махсус курслар ташкил этишга киришилди.*

Айни пайтда ушбу ўқув курсларида малакали мутахассислар томонидан тикувчилик, тўқувчилик ва компьютер сабоқлари каби бир қатор йўналишларда ёшларга касб-ҳунар сирлари ўргатилаяпти.

Шу пайтгача Пахтаобод, Марҳамат, Қўрғонтепа туманлари ва Хонобод шаҳрида очилган ана шундай курсларга юзлаб ёшлар жалб этилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кўп тармоқли корхона

*Қоракўл туманидаги "Пласттекторг" корхонаси ўз фаолиятини кенгайтирди. Бу ерда бўз ишлаб чиқарувчи цех ишга туширилди.*

— Бугунги кунгача аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда ип йигирув корхоналари эҳтиёжи учун конус ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётгандик, — дейди иш бошқарувчи Беҳзод Назаров. — Корхонамиз даромади ҳисобидан 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, янги цех бунёд этдик. Натижада яна 45 та иш ўрни юзага келди. Ходимларимизнинг аксариятини коллеж битирувчилари ташкил этади. Кунига уч минг погонометр бўз тўқиб, буюртмачиларга етказаяпмиз.

Таъкидлаш жоизки, ҳудудий инвестиция дастурига мувофиқ, вилоятда жорий йилнинг дастлабки даврида 8 та ана шундай лойиҳа амалга оширилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Рақобат ва даромад

***Жорий йилнинг иккинчи чорагида Хитойнинг смартфонлар ишлаб чиқарувчи “НТС” компанияси даромади 83 фоизга пасайиб кетди.***

Яъни мазкур даврда 30 миллион евро миқдоридаги маблағ бой берилган. Манбада изоҳланишича, сўнгги пайтларда жаҳон миқёсида Жанубий Кореянинг “Samsung”, АҚШнинг “Apple” ва Хитойнинг “ZTE” компаниялари томонидан тайёрланаётган шу туркумдаги телефонлар анча оммалашиб бормоқда. Бу ҳолат ўз-ўзидан “НТС” маҳсулотлари савдосининг сустлашишига сабаб бўлаётир.

## Электр билан ҳаракатланади

***Германиянинг “BMW” компанияси электр қуввати билан ҳаракатланадиган автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлаганини маълум қилди.***



“BMW i3” дея номланган янги моделнинг тақдимоти ҳозирги кунга қадар Хитой, Буюк Британия ва АҚШда ўтказилган. Мутасаддиларнинг айтишича, мазкур лойиҳа устида икки йил давомида изланишлар олиб борилиб, уни ҳаётга татбиқ этиш учун икки миллиард евро миқдорида маблағ йўналтирилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, “BMW i3”нинг баҳоси 35 минг евродан кам бўлмайди. Харидорлар учун эса бу бир оз қимматли қилиши мумкин. Аммо ишлаб чиқарувчилар ушбу қиймат таркибига батареялар ҳам киритилганини билдиришаяпти.

## Битта йўлда икки поезд

***Швейцариянинг Во кантон(алоҳида маъмурий ҳудуд)ида иккита поезд тўқнашиб кетди.***

Фожиа оқибатида улардан бирининг машинисти ҳалок бўлган. Яна 35 киши турли даражада тан жароҳати олган. Жабрланганлардан беш нафарининг аҳволи оғир.

Фалокат Гранж-пре-Марнан станциясига поездлардан бирининг яқинлашаётган, иккинчисининг эса чиқиб кетаётган вақтида юз берган. Транспорт воситаларининг қандай қилиб битта йўлга тушиб қолгани ўрганилмоқда.

## Тарихий кўприк дош беролмади

***Таиланднинг Сангклабури шаҳридаги ёғочдан ясалган дунёдаги энг узун кўприкни сув ювиб кетди.***



Бунга бир неча кун давомида ёққан ёмғир туфайли дарё сатҳининг кескин кўтарилгани сабаб бўлган.

Шаҳарнинг осори-атиқаларидан бири ҳисобланган мазкур иншоотнинг узунлиги 850 метрга тенг бўлиб, у Мон қабиласи томонидан барпо этилган.

Мазкур воқеа натижасида ҳеч ким жабрланмади. Чунки кўприкдан фойдаланиш анча аввал тақиқлаб қўйилган эди.

## Норасмий рекордчи ғолиб

***АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида кубик рубикни тез териш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди.***

Мусобақада бош соврин учун кураш икки жаҳон рекордчиси — голландиялик Матс Валк ва австралиялик Феликс Земдегс ўртасида кечди. Унда етти сониядан кўпроқ вақт билан Земдегс ғолиб чиқди. Голландия вакилига эса саккиз сония ҳам камлик қилди.

Аслида Матс Валк бу борада расмий жаҳон рекордчиси ҳисобланади. Унинг энг юқори кўрсаткичи 5,55 сонияга тенг. Норасмий рекордчи Земдегс эса 4,79 сония ичида кубикни тера олган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Замонавий хизматлар — бизнес ривожининг гарови

## Республикамиз тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,3 баробар ошди.

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳоли ва кичик бизнес субъектлари банк маҳсулотларининг асосий истеъмолчиларига айланди. Буни айни пайтда юртимизнинг турли ҳудудларида тижорат банкларининг 835 та филиали, 4100 дан ортиқ минибанки ва жамғарма кассалари фаолият кўрсатаётгани, улар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланганини яққол тасдиқлаб турибди.*

ИСЛОҲОТ

Зеро, бугун нафақат шаҳар ёки туман маркази, балки қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган одамлар ўша ернинг ўзида маслаҳатлар олмоқда, молиявий бозордаги вазият билан тўғридан-тўғри танишиш имкониятига эга бўлмоқда. Тадбиркорларга маблағлар эса қулай вақт ҳамда имтиёзли шартлар асосида берилаяпти.

Тижорат банклари кредит портфелига назар солсак, жорий йилнинг олти ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиявий манбалардан ажратилган кредитлар миқдори 3,7 трлн. сўмдан кўпроқни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўпдир. Маблағларнинг асосий қисми мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш стратегияси ва “Обод турмуш йили” Давлат дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 690 млрд. сўм, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 740 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 391,6 млрд. сўм, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга 322,5 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик равнақига 61,3 млрд. сўм, таълим муассасалари битирувчиларига 55 млрд. сўм, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қорамол сотиб олиш учун қарийб 77,5 млрд. сўмлик кредитлар берилди.

Банкларнинг амалиётга кредитлаш ва хизмат кўрсатишнинг янги усулларини изчил татбиқ қилаётгани ҳам эътиборга молик. Сабаби, молия муассасаларининг ривожланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, микрокредитлардан фойдаланишнинг соддалаштирилиши одамларнинг ўз лаёқатларини ва тадбиркорлик субъектларининг технологиялар сотиб олиш, модернизациялаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш сингари лойиҳаларини юзага чиқаришга хизмат қилади.



Албатта, тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар банкларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш имкониятини янада оширмоқда. Уларнинг бизнес лойиҳаси билан танишиш, тўлов қобилиятини таҳлил қилиш, қарз олувчининг ишчанлик сифатларини аниқлаш ва кредит ресурслари билан таъминлаш қисқа муддат ичида ҳал этилаяпти. Бунда кредит фоизи ва муддати қарз олувчининг бизнес кўлами, яъни бозорга тақдим қилмоқчи бўлган маҳсулоти ёки хизмати рақобатбардошлилигига қараб белгиланаяпти. Қолаверса, ўтган йиллар тажрибаси тизимнинг ўсиш динамикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётининг умумий йўналишлари билан чамбарчас боғлиқлигини амалда исботлади. Яъни банкларда кичик бизнес субъектларининг манфаатларига етарлича эътибор қаратилаётгани банк ҳамда мижоз ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаб, мижозлар сони муттасил ошиб боришини таъминлаётир.

Бундан ташқари, банклар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишларини олиб бораётган корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкаси — 12 фоиз миқдорида хизмат кўрсатилаяпти. Айни чоғда улар давлат ихтиёрида бўлган, аммо бекор турган объектларни ижарага олиб, кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этаётган кичик бизнес субъектларига кредит ажратиш шартларини анча мақбуллаштирмоқда.

Сўнгги пайтларда юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, энг чекка қишлоқларда ва аҳоли зич яшайдиган масканларда қўшимча иш ўринлари яратишга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилаётгани барчамизга аён. Бу эса, ўз навбатида, банклар зиммасига ҳам катта масъулият юклаяпти. Зотан, ҳозирги кунда молия муассасаларининг малакали ходимлари ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинларига бириктириб қўйилгани ва улар аҳоли билан банк хизматлари ҳақида, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги имтиёзлар ҳақида суҳбатлар ўтказаётгани бу вазифалар ижросида муҳим омил бўлаётир. Бундай ёндашув, таъбир жоиз бўлса, аҳолининг молия муассасалари ҳақидаги тасаввурларини бутунлай ўзгартириб юборди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари — тараққиёт гарови. Бошқача айтганда, эндиликда соҳа ривожини бундай технологияларсиз тасаввур этиш қийин. Шу маънода, бугунги кунда пластик карточкалар барчанинг асосий аксессуари бўлиб қолаётгани, “Интернет-банкинг” хизматидан фойдаланувчилар эса унинг қулайлигидан мамнун бўлаётгани бежиз эмас. Чунки ҳисоб рақамларидан масофадан туриб фойдаланиш тизими мижоз учун ҳар қандай ҳисоб-китобларни аниқ вақт режимида амалга ошириш, пул оқимларини кузатиб бориш, вақт ҳамда меҳнат сарфини камайтиришга имкон бермоқда. Айни пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган 46124 та тадбиркорлик субъекти “Банк-мижоз” ва “Интернет-банкинг”, 143891 мижоз эса “Смс-банкинг” ҳамда “Мобиль-банкинг” хизматларидан фойдаланмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, банкларда тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш учун олинадиган тўлов миқдори 20 фоизгача чегирилган. Бунинг устига, хўжалик субъектлари томонидан савдо ҳамда сервис соҳасида харид қилинган товарлар (иш ва хизматлар) учун корпоратив пластик карталардан фойдаланган ҳолда, тўловларни амалга оширганда, унинг чеклари бирламчи бухгалтерлик ҳужжатлари даражасида қабул қилинади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваригача бўлган нақд пул тушумларини эса банк муассасаларига мустақил равишда топширмоқдалар.

Кўриниб турибдики, банкка мижозларни жалб этишнинг омиллари кўп. Барқарорлик, ишонч ва изчил ҳамкорлик шулардан энг асосийлари ҳисобланади. Аммо бугунги ривожланган давр янги банк хизматларини ишлаб чиқишни талаб этаяпти. Шулардан бири кичик бизнес субъектларидан миллий валютада ҳисоб рақамлари очгани учун тўлов ундиришнинг бекор қилиниши, мана, иккинчи йилдирки, ўзининг самарали эканлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилгани, уларга валюта тушумини белгиланган тартибда банк кассаларига кирим қилиш шарти билан маҳсулотларни нақд хорижий валютага сотишга рухсат берилгани ишбилармонларнинг хориж давлатларига чиқиш йўлларини кенгайтираётир.

Мухтасар айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётимизда етакчи куч сифатида намоён бўлишида молия-банк тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Зеро, бу республикамиз молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати тобора яхшиланиб бораётганидан далолатдир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

ТАДБИР

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар ҳамда санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳлари Жиззах вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, маънавий-маърифий учрашувлар ўтказмоқда.*

## Маҳаллалар аҳли билан мулоқот

Ана шундай тадбирлардан бири Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласида ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда олиб борилаётган барча эзгу ишлар инсон манфаатларига хизмат қилаётгани, натижада халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт кечираётганини алоҳида таъкидлашди.

— Бу йилги тантаналар, тадбирларнинг “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки истиқлол туфайли қаддимиз, анъаналаримиз тикланди, — дейди “Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Норбуви Шамсиева. — Маҳалламиз аҳли юртимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар самарасидан ғоятда мамнун. Бугунги кунда ҳудудимизда 1140 та оила аҳил ва иноқ ҳаёт кечирмоқда. Ҳар бир маҳалладошимиз ўз оиласи ободлиги ва Ватанимиз тараққиёти йўлида астойдил меҳнат қилаяпти. Ободончилик ва қурилиш ишларида фаол иштирок этишаётир. Байрам олдидан ўтказилган бундай маънавий тадбирлар уларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

**Улуғбек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●


***Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи, ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!***

**Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси**

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарур дори-дармонлар, индикатор ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш учун ретендер савдоларини эълон қилади.**

Ретендер савдоларида қўйиладиган шартларни бажарган, танлов асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳужжатларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда улгуржи савдо ва таъминотчи ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво бўйича преференциялар берилади.

***Ретендер савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорларнинг таклифлари 2013 йил 24 август куни соат 18.00 гача қабул қилинади.***

Ретендер савдоларини ўтказувчи Комиссия ишчи органининг номи ва манзили:
**Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 132006, Термиз ш., Тараққиёт к., 15-уй.**
**Телефон: (8-376) 223-22-99, факс: (8-376) 223-17-53.**
**E-mail: surxvssb@uznet.uz**

Банк реквизитлари: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигидаги Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳисоб рақами: 23402000300100001010, МФО: 00014, СТИР: 201122919, МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри, Сурхондарё вилояти бошқармаси, ш/ҳ/р: 100021860224017072130054002, СТИР: 200477643, ОКОНХ: 97600.

1266R/666



**ВИРИН ХСК**

**КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ САМАРАЛИ БИОЛОГИК ҲИМОЯ ВОСИТАСИ**

Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, фойдали ҳашаротлар ва ўсимлик чанглатувчиларга мутлақо зарарсиз.

ВИ Р И Н ХСК — ғўза, маккажўхори ва бошқа экинлардаги кўсак қуртига қарши 7-10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва ушбу препарат ишлатилган далаларда 1-2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида қўллашга рухсат берилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га самарали биологик восита сифатида киритилган.

**Манзил:**
**Тошкент ш., Бодомзор йўли к., 37-уй.**
**Тел.: (+99890) 920-32-99,**
**(+99894) 160-27-24.**

***МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН***

1159R/690



**«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**2013 йил 10 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги транспорт воситалари ва тракторлар қўйилмоқда:**

— Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 3 майдаги 19-306/1179-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Янги шаҳар маҳалласида сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган «Matiz» русумли, давлат рақами 75 872 FAA бўлган транспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 15 572 114 сўм.***

— Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 13 майдаги 19-1308/2384-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Янги шаҳар маҳалласида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-21074-110-30» русумли, давлат рақами 75 871 FAA бўлган транспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 17 284 450 сўм.***

— Қумқўрғон тумани, Истиқлол маҳалласида сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган «Д-243-ТТЗ» русумли, давлат рақами 37-70 ЕШ бўлган трактор.

***Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.***

— 2007 йилда ишлаб чиқарилган «БТ-150 ДЕ» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 55 000 000 сўм.***

— ЖИБ Қумқўрғон тумани судининг 2012 йил 21 августдаги 1-82-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «ГБА СНГ Damas» русумли, давлат рақами 75 L 035 AA бўлган транспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 23 850 000 сўм.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204932168018, МФО: 01063, СТИР: 302083379.

Бундан ташқари, қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:
— юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
— жисмоний шахслар паспорт нусхаси;
— ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
— закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил: Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази». Телефон: (+99898) 100-86-86.** *Гувоҳнома № 004059.*

1267R/870



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ.**

**Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётининг устуворликлари доирасида республикада инновация фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида бажарилиши 2014 — 2015 йилларга мўлжалланган инновация лойиҳалари танловини эълон қилади.**

Инновация лойиҳалари илмий тадқиқот натижаларини иқтисодиёт тармоқларида, республикамиз минтақаларида ўзлаштиришга, энергия ва ресурсларнинг тежалишини таъминлашга, ишлаб чиқаришда илғор технологияларни жорий қилишга, маҳаллий хом ашёдан фан-техника ютуқлари жорий этилган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Танловга тегишли барча зарур маълумотлар, лойиҳаларни расмийлаштириш тартиби ҳамда асосий қоидалари билан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларидан олиш мумкин.

Инновация илмий-техника лойиҳалари танлови топшириқлари билан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг www.uzscscience.uz сайтида танишиш мумкин.

Танловга илмий лойиҳалар тегишли вазирлик ва идоралар орқали тақдим этилиши лозим.

***Танловга лойиҳалар матбуотда эълон чиққан санадан бошлаб, 2013 йил 12 сентябргача шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 14.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.***

**Маълумот учун телефонлар:**
**Қўмита ижро аппаратида: (8-371) 233-69-61, 233-99-53.**
**Фанлар академиясида: (8-371) 233-29-81, 233-59-86.**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида: (8-371) 246-01-54, 246-01-87.**
**Халқ таълими вазирлигида: (8-371) 239-83-45.**
**Соғлиқни сақлаш вазирлигида: (8-371) 242-12-08.**
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида: (8-371) 241-65-19.**

1268R/698


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Атхам Сахиевич Жумабоевга отаси
**САХИЙ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши “Ўздавтемирйўлназорат” давлат инспекцияси бошлиғи Равшан Икрамовга волидаи муҳтарамаси
**САНОБАР аянинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

“XXI аср технологиялари” журнали таҳририяти давлат корхонаси ва Касаба уюшма жамоаси Бош муҳаррир ўринбосари Азиз Саидовга волидаи муҳтарамаси
**ХУРСАНОЙ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Савдогар” очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси Амалиёт бошқармаси бош мутахассиси Бобомурод Норқобиловга падари бузруквори
**Соатмурод НОРҚОБИЛОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Гўзал, самимий ва меҳмондўст юрт

Мамлакатимизга келаётган сайёҳлар Ўзбекистон ҳақида ана шундай таъриф беришмоқда.



*Юртимиз ўзининг бой тарихи, бетакрор анъана ва қадриятлари билан ҳамиша хорижликлар эътиборини жалб қилиб келган. Бу гўзал ва кўҳна заминга бўлган қизиқиш, айниқса, мустақиллик йилларида янада ортди. Чунки мана шу ўтган давр мобайнида аждодларимиздан мерос қолган маданий бойлик ҳамда ёдгорликларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилди ва ушбу эзгу саъй-ҳаракатлар бугун ҳам изчиллик билан давом эттирилаяпти.*

*Бизда чет эллик сайёҳларни ўзига тортадиган яна бир муҳим омил борки, бу юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, меҳмондўст халқимизнинг самимий муносабатидир. Шу боис йилнинг тўрт фаслида ҳам дунёнинг турли ерларидан ташриф буюрган туристларни учратасиз. “Халқ сўзи”нинг Самарқанд вилояти бўйича мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизикди.*

## ЭЪТИРОФ

**Флориан Франс (Германия):**

— Номи етти иқлимга машҳур Самарқандни бир келиб кўриш, Регистон мажмуаси, Улуғбек расадхонасини томоша қилиш азалий орзуим эди. Мана, ниятимга етдим. Таассуротларим бир олам.

Тарихий иншоотларни кўздан кечирар эканман, аждодларингиз меъморчилик, илм-фан соҳаларида юксак салоҳиятга эга бўлганликларини чуқур ҳис қилдим. Ана шу масканлардаги ободликни айтмайсизми?! Бу бугунги авлод вакилларининг буюк ўтмишига, ота-боболарига ҳурмати ва эҳтиромини яққол ифодалаб турибди.

Яқинда Мустақиллик байрамингизни нишонлар экансизлар. Эътиборимни тортган жиҳати шу бўлдики, ушбу шодиёнага ҳамма бирдек тайёргарлик кўраяпти. Қаердадир янги бинолар, уйлар, йўллар қурилмоқда, бошқа жойда гуллар экилаяпти. Одамларнинг кайфияти чоғ. Эзгуликни дилига жойлаган бундай халққа, гўзал, самимий ва меҳмондўст юртга фақат ҳавас қилиш мумкин.

Германияга қайтиб борганимда танишларим, албатта, Ўзбекистон ҳақида сўрашади. Уларга айтадиганларим кўп. Тошкентда, Самарқандда тушган расмларимни кўрсатаман, эсдалик учун олган совғаларимни улашаман. Ишончим комилки, ўзлари ҳам бир келиб кўриш истагини билдиришади. Балки кейинги сафар уларга мен гидлик қиларман...

**Ли МАНГ (Хитой):**

— Ўзбекистоннинг қисқа фурсат ичида иқтисодий жиҳатдан барқарор давлатлар қаторига қўшилгани эътиборга лойиқ. Айниқса, бутун дунёни мураккаб аҳволга солиб қўйган молиявий-иқтисодий инқироз даврида ушбу муваффақиятлар пойдевори нақадар мустаҳкам экани янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Яъни юртингиз таназзул таъсирига тушиб қолмаган камсонли мамлакатлар сафидан жой олди ва бу халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилаяпти.

Мен қурилиш соҳаси мутахассисиман. Шу боис ҳам қаерга борсам, албатта, бунёдкорлик ишларига разм соламан. Самарқанддан аввал пойтахтингизни айланиб, Ўзбекистон бу борада анча илгарилаб кетибди, деган хулосага келдим. Масалан, “Ўзбекистон” Халқаро анжуманлар саройи, Ёшлар ижод саройи, Маърифат маркази ва яна кўплаб бинолар меъморий жиҳатдан бири-бирини такрорламайди. Уларда замонавийлик билан миллийлик моҳирона уйғунлаштирилган. Ҳар бир қурилиш атрофига ям-яшил майсалар, анвойи гуллар, манзарали дарахт кўчатлари экилгани, шунингдек, фавворалар жойлаштирилгани эътиборга лойиқ. Кўчалар кенг ва равон. Хиёбонларга борсангиз, роҳатланасиз.

Бунёдкорлик ишлари ҳамма жойда бирдек давом эттирилаётганини Самарқанд мисолида кўрдим. Аслида бу афсонавий шаҳардаги меъморчилик обидалари асрлар оша дунёни ҳайратга солиб келган. Кўк гумбазлар ўзи бир олам. Деворлар, ёғоч устунлар ва эшиклардаги нақшлар сирли-синоатли. Бугунги кундаги қурилиш ишлари ҳам кишида ҳавас уйғотади. Жумладан, қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган тураржойларни олайлик. Вилоят туманларини айланганимизда жуда кўплаб ана шундай иншоотларга кўзим тушди. Маҳаллий аҳоли вакилларининг айтишича, шинам, барча шарт-шароитга эга бундай замонавий уйларни сотиб олиш учун фуқароларга имтиёзли кредитлар ажратиларкан. Уни қоплаш даври 15 йил этиб белгиланган экан. Бундай қулайликдан баҳраманд бўлганларнинг ҳаммаси хурсанд. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларда бундай лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги тажрибасидан ўрнак олса, арзийди.

Йигирма икки йилда мана шундай улкан ютуқларни қўлга киритган давлат, шубҳасиз, яқин йиллар ичида энг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилади.

**Томос АНГ (Сингапур):**

— Самарқанднинг “Сиёб” бозори ҳақида кўп эшитгандик. Таърифлашганларича бор экан. Бу ердаги хилма-хил нонларни томоша қилдик. Чинакам санъат асари, гўё. Уларни истеъмол қилишга ҳам иккиланасан, киши. Негаки, ҳар бирига ўзгача меҳр бериб тайёрлангани шундоқ билиниб турибди. Расталардаги кўзни қамаштирувчи узум, шафтоли, олма, қовуну тарвузларни кўриб эса ҳайратландик. Улардан баҳраманд бўлдик, мазаси оғзимизда қолди. Қуёш нурига тўйинган-да. Бозордаги тўкинлик қанчалик эътиборимизни тортган бўлса, бу ердаги тартиб-интизом, сотувчи ва харидорларнинг ўзаро хушмуомаласи ҳам шунчалик диққатга сазовор. Бизга, шунингдек, “Сиёб”нинг турли ширинликлари, айниқса, парвардаси ёқди. Шундоқ оғизга солсам, эриб кетди-я! Ҳузурланишимни кўриб, сотувчи икки килоча тортиб қўлимга берди. Қанча бўлди, деб чўнтак ковлаётгандим, “Бу сизга ҳадя, бизни эслаб юришингиз учун”, деди. Ана самимияту мана меҳмоннавозлик. Бундай бағрикенг юртга бир келиб-кетсанг, тезда соғиниб қолишинг аниқ.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ ёзиб олди.**

# Тасвирларда пойтахт жамоли

*Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида “Тошкент: кеча ва бугун” деб номланган фотогалерея ихлосмандлар эътиборига ҳавола этилди.*

## КЎРГАЗМА

Фотогалереядан истиқлол йилларида пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари акс этган уч юздан ортиқ суратлар ўрин олган.

— Бугунги пойтахтимизнинг замонавий қиёфасини кўриб, кўзинг қувнайди, — дейди кўргазмага ташриф буюрган Мунира Отақулхўжаева. — Тошкентнинг бой тарихи, мустақиллик йилларида юз берган беқиёс ўзгаришлар муҳрланган бу суратлар кўнгилларда фахр туйғусини жўш урдиради.

Кўргазма 10 августгача давом этади.

**Элдор МАДАТОВ.**

# Сердаромад ва истиқболли

Йилқичилик хусусида гап кетганда, айнан шу иқтибос ўринлидир.

*Халқимизда “От йигитнинг қаноти” деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам, бу жонивор олис сафарларда инсонга яқин ҳамроҳ ва дўстдир. Қолаверса, тулпорларнинг йўртиб-йўртиб, йўрғалаб юриши кишига завқ бағишлайди. Бунинг саломатлик учун фойдали томонлари ҳам кўп.*

## ИЗЛАНИШ



Отлар ҳақида қадимда қатор афсона ва ривоятлар тўқилган. Масалан, Алпомишнинг “Бойчибор”, Гўрўғлининг “Ғирот”и халқ орасида мадҳ этилиб, уларда инсонга отдек содиқ, вафодор ва меҳрибон жонивор йўқлиги таъкидланган. Манбаларда ёзилишича, Соҳибқирон Амир Темур ҳам чопқир тулпорларни жуда қадрлаган.

Мустақиллик туфайли юртимизда йилқичиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Жойларда чавандозлик мактаблари фаолияти йўлга қўйилиб, тўйу томошалар, умумхалқ сайилларида миллий кўпкари ўйинларини ташкил этиш одат тусига кирди.

Узун туманидаги “Шаҳрисабз шамоли” фермер хўжалиги ҳам шу соҳага ихтисослаштирилган. Ўтган йилдан бошлаб бу ерда “Қорабайир” зотли отларни кўпайтиришга киришилди. Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидан келтирилган 15 бош бия ҳозир туманнинг “Серҳаракат” адирликларида боқилмоқда.

— 15 бош йилқидан бу йил 15 бош той олдик, — дейди фермер Шуҳрат Бозоров. — Мақсадимиз — кўпкарибоп отларни кўпайтиришга ҳисса қўшиш. От парваришлашнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Нега десангиз, тоғ ва адирларда қулунларни сергаклик билан бўрилардан асраш керак. Акс ҳолда, улар қулунлаш арафасидаги йилқининг изидан қолмай пойлаб юришади. Моҳир ва чапдаст чопағонлар кўпкарида соврин айира оладиган отларни тойлигиданоқ танлай билишади. Юрт, қишлоқ, маҳалласи ори учун талашадиган чавандозлар ҳозирданоқ ўзларига ёққан той учун бўнак олишимизни сўрашмоқда. Урғочи тойлардан келгусида хўжалигимизда зотдор отларни кўпайтириш учун фойдаланамиз.

Бир неча йилдирки, тумандаги Нуриддин Ҳакимов бошчилик қилаётган фермер хўжалигида ҳам от спорти мактаблари ҳамда улоқ-кўпкари учун чопқир тулпорлар етиштирилади. Болалигиданоқ чўпонлик таёғини қўлида маҳкам тутиб келаётган Нуриддин ака ихтиёридаги 501 бош қўй ҳамда отларни Боботоғ бағридаги яйловларда боқади. Ҳозир унинг хўжалигида 10 бош “Қорабайир”, “Қизил” ҳамда “Саман” зотли отлар бор.

— Шукрки, истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимиз қайта тикланаяпти, — дейди Нуриддин фермер. — Мана, кўпкарини олайлик. У тўй ва байрамларимизга алоҳида файз киритмоқда. Бундан ташқари, от миниш шунчаки ишқибозчилик эмас, балки спортнинг бир тури ҳамдир. Шу сабабли бугун халқимиз ўртасида йилқичиликка қизиқиш ошмоқда, хонадонларда от боқиш оммалашаяпти, ёшларимиз орасида ҳам моҳир чавандозлар етишиб чиқаётир. Яна бир гап. Учқур тулпорлар дунё бозорида ҳамиша харидоргир бўлиб келган. Шундай экан, биз ҳам келгусида ўз фаолиятимизни кенгайтириб, дунё бозорига чиқишни, ноёб “Қорабайир” зотли отларимиз билан жаҳон аҳлининг ҳайратини қозонишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун эса тажрибамиз ҳам, имконияту салоҳиятимиз ҳам етарли.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



# Сувдан оқилона фойдаланиш

экологик барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартидир

*Бугун экология ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари оммавий ахборот воситаларининг кундалик мавзулари қаторидан жой олган.*

## МЕДИАТУР

Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган экожурналистика танловининг мақсади ҳам мазкур йўналишда қалам тебратаётган ижодкорларнинг изланиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, профессионал салоҳиятини ошириш, шу билан бирга, жамоатчиликни атроф-муҳит муҳофазаси масалаларига оид ахборотлар билан таъминлашга қаратилган.

Айни пайтда ушбу танлов ташкилотчилари томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бир қанча ижтимоий лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқдаки, бу уларнинг экология ҳақидаги билим ва кўникмаларини бойитиш, табиатни муҳофаза қилиш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлардан атрофлича хабардор бўлишларига кўмаклашаяпти.

Яқинда Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамда Глобал сув ҳамкорлиги ташкилотининг Марказий Осиё ва Кавказ бўлими томонидан журналистлар учун ташкил этилган медиатур ҳам худди шу мақсадга қаратилди. Тадбирда электрон ва босма оммавий ахборот воситалари вакиллари, фотожурналистлар, экология ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари мутахассислари қатнашди.

Анжуман иштирокчилари “Сирдарё” сув ҳавзаси бирлашмасининг Юқори Чирчиқ сув иншоотлари бошқармаси иш фаолияти билан яқиндан танишдилар. Хусусан, бу ердаги гидротехника иншоотларида рўёбга чиқарилган лойиҳалар, сув тақсимлаш қурилмаларидаги модернизация жараёнлари ва улар яратаётган афзалликлар хусусида қатнашчиларга батафсил маълумот берилди.

— Сув тақсимлаш иншоотимизда Чирчиқ дарёси суви қабул қилиниб, 14 та мустаҳкам тўғон орқали канал тармоқларига тақсимланади, — дейди Юқори Чирчиқ сув иншоотлари бошқармаси бошлиғи Улуғбек Баратов. — Бу орқали қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари таъминланади ҳамда пойтахт аҳолиси узлуксиз обиҳаёт манбаига эга бўлади. Эътиборлиси, мазкур жараён мукаммал дастурий тизимга эга компьютерлар орқали бошқариб борилади. Бу дарё сувларини канал тармоқларига белгиланган меъёр ва эҳтиёжга қараб тўғри ва аниқ йўналтириш имконини бериш баробарида, бебаҳо бойлигимиз исроф бўлишининг олдини ҳам олади.

Шунингдек, медиатур қатнашчилари учун сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари ва унинг ечимлари мавзуида семинар-тренинг ҳам ташкил этилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Полвонларимиз бўш келишмади

## СПОРТ

*Мўғулистонда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича кадетлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионати якунига етди.*

Унда полвонларимиз иккита олтин, иккита кумуш ва бешта бронза медалини қўлга киритдилар. Жумладан, юнон-рум кураши беллашувларида Илҳомжон Баҳромов олтин, Қамариддин Зайниддинов, Исломиддин Неъматов кумуш, Далер Раҳматов, Мирзобек Раҳматов ва Жаҳонгирмирзо Нурматов бронза медалга сазовор бўлди.

Эркин кураш бўйича Аббосбек Раҳмонов ўз вазн тоифасида Осиё чемпионлигига эришди. Санжар Машарипов кучли учликдан жой олди.

Хотин-қизлар ўртасида эса Х. Норбоева худди шундай натижани қайд этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

• Реклама •

EKF electrotechnica
www.elektrotovar.uz
ООО «MEGA-ELECTRO» — эксклюзивный дистрибьютор компании EKF в Узбекистане

- Выключатели автоматические, устройства защитного отключения, выключатели нагрузки, устройства защиты от импульсных перенапряжений, таймеры (различное дополнительное оборудование)
- Силовые автоматические выключатели (с электроприводом и без, номенклатурный ряд до 5 000 А)
- Контакторы (контакторы, пускатели, автоматы пуска двигателя)
- Аппаратура измерения (трансформаторы тока) и аппаратура управления (реле контроля фаз, реле промежуточное, кнопки управления, переключатели кулачковые)
- Стабилизаторы напряжения и распределительные устройства
- Силовая аппаратура (предохранители плавкие, выключатели-разъединители, разъемы силовые)
- Корпуса электрощитов и монтажное распределительное оборудование
- Изоляторы высоковольтные
- Электроустановочные изделия и удлинители
- Светотехнические изделия и автоматизация систем освещения
- Частотные преобразователи
- Приводная техника (редукторы, мотор-редукторы, сервопривода)

Гарантия — 5 лет
ОПТОМ И В РОЗНИЦУ
Товар сертифицирован
Лицензия №006196
Тел. (99871) 150-18-81. Факс (99871) 216-77-74. E-mail: marketing@megaelectro.uz
1047R/620

«MAXLAS» МЧЖ
боғдорчилик ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини дорилашда фойдаланиладиган
МОТОРЛИ ПУРКАГИЧНИ
таклиф этади.
Моторли пуркагич, бир дақиқада — 4 литр суюлтирилган кимёвий ҳамда 6 килограмм кукунли дори воситаларини сепиш қувватига эга.
Тўлов исталган шаклда.
Мурожаат учун телефонлар:
(+99895) 170-17-56,
(+99895) 177-17-56.
Факс: (8-371) 234-62-33.
E-mail: maxlas62@mail.ru
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
1207R/724

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 697 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5